37

| | | |
|---|---|---|
| **O'zbekiston Respublikasi**<br>**Samarqand viloyati**<br>**Nurobod tumani**<br>**H O K I M I** | | **Ўзбекистон Республикаси**<br>**Самарқанд вилояти**<br>**Нуробод тумани**<br>**Ҳ О К И М И** |

**Q A R O R**

**2011 yil «  4  » январ** **№ 8-ҳ**

**Тумандаги 21-умумтаълим мактабига янги боғ ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги №254-сонли «Хукумат телеграммаси» га асосан туманда богдорчиликни ривожлантириш максадида хамда тумандаги 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаровнинг аризасини куриб чикиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1. Тумандаги 21-умумтаълим мактабига «Жом» кишлок фукаролар йигини худудидаги №94-контурдан 1,0 гектар сувли ер майдони янги бог яратиш учун ажратилсин ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр булими (Н. Куйлиев)га ер майдонини жойида улчаб, тегишли хужжатларини расмийлаштириб бериш юклатилсин.

2. Ажратилган ер майдонида дарахт кучатларини экиш, парваришлаш буйича агротехник тадбирларни уз вактида утказиш, катор ораларига сабзавот-полиз ва картошка экинлари экилишини таъминлаш 21-умумтаълим мактаби директори (Э.Худойназаров)га юклатилсин.

3. Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари буйича уринбосари Б.Холбоевга топширилсин.

**Туман хокими** **Ж.Х.Ибрагимов**